



100047, O'zbekiston, Toshkent shahri, Amir Temur shoh ko'chasi, 13
Tel. (998) 71 203-01-15 cmda@exat.uz

13 Amir Temur avenue, Tashkent city, Uzbekistan 100047
www.openinfo.uz e-mail: info@cmda.gov.uz

“ ” _____ 2019 у. № _____

Қ А Р О Р 15-09/041

“13” декабрь 2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги “UzAuto Motors Powertrain” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ягона акциядорининг 2019 йил 14 ноябрдаги 30-2019/11-сонли қарорига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат №2000, 30.08.2009й.) 92-бандига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамиятнинг номи “General Motors Powertrain - Uzbekistan” акциядорлик жамиятидан “UzAuto Motors Powertrain” акциядорлик жамиятига ўзгарганлиги сабабли Жамиятнинг 2015 йил 10 апрелда P0837-3-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- Жамиятнинг 2019 йил 15 ноябрдаги 08-01-125-сонли аризаси;
- Жамият ягона акциядорининг 2019 йил 14 ноябрдаги 30-2019/11-сонли қарори нусхаси;
- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);
- ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги 2019 йил 8 ноябрдаги 2751-сонли тўлов топшириқномаси, банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси билан;
- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамиятнинг номи “General Motors Powertrain - Uzbekistan” акциядорлик жамиятидан “UzAuto Motors Powertrain” акциядорлик жамиятига ўзгарганлиги сабабли Жамиятнинг 2015 йил 10 апрелда P0837-3-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

3. Агентликнинг Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бошқармасига:

- Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;
- ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Агентликнинг Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бошқармасига юклатилсин.

Директор

А. Назиров